
Сайёр қабуллар: муаммоларни ҳал қилишнинг самарали механизми

Қува туманидаги жисмоний ва юридик шахсларнинг муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш мақсадида жойларда сектор раҳбарлари томонидан сайёр қабуллар мунтазам ўтказилиб келинмоқда.

Хусусан Қува тумани ҳокими Ҳалимжон Умаров иштирокида Мустақиллик МФЙ ҳудудидаги Касб-хунарга ўқитиш маркази биносида “Сайёр қабул” ўтказилди. Ўтказилган қабулда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қува туманидаги Халқ қабулхонаси мудирини М.Мўйдинов, туман прокурорини О.Тошматов, туман ИИБ бошлиғини И.Хусанов ҳамда тумандаги идора ва ташкилот раҳбарлари иштирок этишди.

Қабул чоғида фуқароларнинг мурожаатлари бирма-бир тингланди. Очiq ва самимий мулоқот тарзида кечган қабулда уй-жой, моддий ёрдам, бандлик, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш, имтиёзли кредит олиш ва шу каби бошқа масалаларга оид мурожаатлар кўриб чиқилди.

Қабул давомида мурожаатлар масъуллар томонидан жойида ҳал этилиб, айрим мурожаатларга ҳуқуқий маслаҳат ва тушунчалар берилди.

2023-04-04 15:28:08